

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.01.2020. К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

САИТКУЛОВ ФОЗИЛЖОН ЭРГАШЕВИЧ

**2Н(АЛМАШИНГАН)ХИНАЗОЛИН-4-ОНЛАР, УЛАРНИНГ АЙРИМ
ТИОАНАЛОГЛАРИНИ СИНТЕЗИ ВА ТУРЛИ ШАРОИТЛАРДА
СЕЛЕКТИВ МЕТИЛЛАШ**

02.00.03-Органик кимё

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сантқулов Фозилжон Эргашевич

2Н(Алмашинган)хиназолин-4-онлар, уларнинг айрим тιοаналогларини
синтези ва турли шароитларда селектив метиллаш 3

Сантқулов Фозилжон Эргашевич

Синтез 2Н(замещенных)хиназолин-4-онов, некоторых их тιοаналогов и
селективное метилирование в различных условиях 23

Saitkulov Foziljon Ergashevich

Synthesis of 2H(substituted)quinazolin-4-ones, some of their thioanalogues and
selective methylation under different conditions 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.01.2020. К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

САИТКУЛОВ ФОЗИЛЖОН ЭРГАШЕВИЧ

**2Н(АЛМАШИНГАН)ХИНАЗОЛИН-4-ОНЛАР, УЛАРНИНГ АЙРИМ
ТИОАНАЛОГЛАРИНИ СИНТЕЗИ ВА ТУРЛИ ШАРОИТЛАРДА
СЕЛЕКТИВ МЕТИЛЛАШ**

02.00.03-Органик кимё

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/K558 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Давлат аграр университети ва Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzicps.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Элмуратов Бурхон Жураевич,
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжаниязов Хамид Ўткирович
кимё фанлари доктори (DSc)

Холиков Турсунали Суюнович,
кимё фанлари доктори (DSc)

Етақчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация химояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2024 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш. Ш. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори, академик

Н. К. Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, кимё фанлари номзоди,
катта илмий ходим

Э. Х. Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси
кимё фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда кишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва ветеринария соҳасининг долзарб вазифаларидан бири янги сифатли ва хавфсиз препаратларни ишлаб чиқишдир. Мазкур препаратларни яратишда муҳим ёндашувлардан бири: молекуласида биофаол гуруҳлар тугган “номзод” бирикмаларни синтез қилиш ёки макбул модификация усулларида фойдаланган ҳолда янги фармакофор гуруҳлар киритишдан иборат. Бициклик алмашинган хиназолонлар ва уларнинг олтингугуртли аналоглари гетероциклик бирикмалар орасида муҳим ва қизиқарлидир. Мазкур бирикмаларнинг янги ҳосилаларини синтез қилиш, улар орасидан биологик фаол моддаларни аниқлаш бу синф бирикмалари кимёси ва биологияси ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Жаҳонда бициклик хиназолонлар ва хиназолинтионлар асосида яратилган препаратлар кишлоқ хўжалигида (антигельминт, стимуляторлар ва пестицидлар) ва тиббиёт соҳасида (саратонга ва вирусларга қарши) кенг ишлатилмоқда. Айниқса, бу бирикмалар орасида саратонга қарши препаратлар (иматиниб, эрлотиниб ва б.) жуда муваффақиятли қўлланилиб келмоқда. Шунинг учун, молекуласида фармакофор (хиназолин) ҳалқа сақлаган биологик фаол моддаларни мақсадли синтезини ва кимёвий ўзгаришларини амалга ошириш, уларнинг биологик хоссаларини аниқлаш, олинган «номзод» моддалар асосида самарали дори воситаларини яратиш жуда долзарбдир.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Ўсимлик моддалар кимёси институти олимлари томонидан маҳаллий ўсимлик хом ашёлари ва синтетик бирикмалар асосида тиббиёт ва кишлоқ хўжалиги учун юқори самарали дори воситалари (галантамин, дезоксипеганин, цитизин, экдистен, никамизолон, мефосин ва ҳоказо) яратилган. Шунинг учун, 2-алмашинган хиназолин-4-онлар ва -тионларнинг метиллаш реакцияларини систематик ўрганиш, изомерлар (N^3/O^4 ёки S^4) ҳосил бўлишига таъсир этувчи омилларни ва реакциялар боришидаги қонуниятларини аниқлаш, олинган бирикмаларнинг физик-кимёвий ва биологик хоссаларни аниқлаш асосида танлаб олинган фаол моддалар асосида янги, рақобатбардош дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги “Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3479 сон қарори, 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805 сон қарори, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Кимё фанлари, кимёвий технологиялар ва нанотехнология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хиназолонлар кимёси ва биологияси соҳасидаги тадқиқотлар анча аввал бошланган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳозирги вақтда бу синф бирикмалари асосидаги изланишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, хорижлик олимлар – T. Watanabe, V. Alagarsamy, Y. Takeuchi, R. Singh, P. Nagender, M. Saeed, M. Kidwai, S.A. Siddique хиназолонлар синтези, реакциялари ва қўлланилишини ўрганиш билан шуғулланишган. Республикамизда мазкур йўналишлар ривожига С.Ю. Юнусов, Х.Н. Арипов, Х.М. Шахидоят, Н.Д. Абдуллаев, Ф.Н. Джахангиров, Б.Ташходжаев, Б.Ж. Элмуратов, Р.Қ. Каримов, А.Ш. Абдуразақов ва бошқалар ўз изланишлари билан алмашинган хиназолонлар синтези ва модификациясини амалга ошириш ва биологик фаоллигини аниқлашга ўз ҳиссаларини қўшишган.

Мазкур изланишларга қадар хиназолонлар билан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, лекин 2Н-алмашинган хиназолин-4-онлар ва –тионларни турли шароитларда селектив метиллаш ҳамда олинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги тўғрисида маълумотлар адабиётларда деярли йўқ. Шунинг учун, мазкур бирикмалар синтезининг мақбул усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг амбидент ва полидент анионларини “юмшоқ” ва “қаттик” метилловчи агентлар билан реакцияларини систематик тадқиқ этиш, реакциялар боришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, “тузилиш - реакция қобилият - биологик фаоллик” ўзаро боғлиқлик қонуниятларини ўрганиш ва янги биологик фаол бирикмаларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т207 «Биологик фаол гетероциклик бирикмалар молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилишнинг назарий муаммолари» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади 2Н(алмашинган)хиназолин-4-онлар ва -тионларнинг тақомиллашган синтез усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг “қаттик” ва “юмшоқ” метилловчи агентлар билан ишқорий (КОН) муҳитда метиллаш реакцияларини амалга ошириш, реакциялар йўналишига ва изомерлар турига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш, натижаларни қиёсий таққослаш, олинган бирикмаларнинг тузилишини, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

2Н(алмашинган)хиназолин-4-онлар ва -тионларнинг тақомиллашган синтез усулларини ишлаб чиқиш;

2Н(метил, фенил, 4-нитрофенил)хиназолин-4-онларнинг амбидент ва полидент анионларини “қаттиқ” ва “юмшоқ” метилловчи агентлар билан реакцияларини амалга ошириш;

хиназолин-4-онларни селектив метиллаш реакциялари йўналишига ва ҳосил бўладиган изомерлар турига таъсир этувчи омиллар (ўринбосар ва эритувчи табиати, реакция муҳити, ҳарорати ва давомийлиги) таъсирини аниқлаш;

хиназолин-4-онни осон ва юқори самарали тионлаш усулини ишлаб чиқиш;
2Н(метил, фенил)хиназолин-4-тионларнинг амбидент анионларини метилловчи агентлар билан реакцияларини турли шароитларда амалга ошириш;
изомер N¹-, N³-, O⁴- ва S⁴-метил маҳсулотларни синтез қилишнинг селектив усулларини ишлаб чиқиш;

хиназолин-4-тионларни селектив метиллаш реакциялари йўналишига ва ҳосил бўладиган изомерлар турига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

2Н(алмашинган)хиназолин-4-онлар ва -тионларнинг метиллаш реакцияларида эритувчиларнинг селективлик каторини аниқлаш;

синтез қилинган изомер (N¹/N³/O⁴/S⁴) метил маҳсулотларнинг тузилишини физик-тадқиқот усуллари ёрдамида аниқлаш;

олинган бирикмалар орасидан биологик фаол моддалар излаш.

Тадқиқотнинг объектлари сифатида 2Н(метил, фенил, 4-нитрофенил)хиназолин-4-онлар, 2Н(метил, фенил)хиназолин-4-тионлар, уларнинг турли метилловчи агентлар (метил йодид, метил тозилат, диметилсульфат) билан реакцияларидан ҳосил бўлган изомер N¹-, N³-, O⁴- ва S⁴-метил маҳсулотлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети 2Н(алмашинган)хиназолин-4-онлар ва -тионларнинг такомиллашган синтез усуллари, уларни амбидент ва полидент анионларининг “қаттиқ” ва “юмшоқ” метилловчи агентлар билан реакциялари, хиназолин-4-тионнинг юқори самарали синтез усули, изомер (N¹/N³/O⁴/S⁴) метил-маҳсулотларни олишнинг мақбул усуллари, реакциялар йўналиши ва изомерлар турига таъсир этувчи омиллар, синтез шароитлари, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида синтетик органик кимё усуллари, УБ, ИҚ-, ¹Н ва ¹³С ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хроматография (юпка қатламли (ЮҚХ) ва колонкали (КХ)) ҳамда биологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор хиназолин-4-оннинг амбидент ва полидент анионларини метиллаш реакциялари қутбли протонли (этанол), апротон (диоксан-1,4), апротон биполяр (ДМФА ва ДМСО) эритувчиларда турли ҳарорат ва вақт давомийлигида тизимли олиб борилган, натижада асосан N³-маҳсулот ҳосил бўлиши аниқланган ва Пирсон назарияси бўйича асослаб берилган;

хиназолин-4-онни ДМФА да “юмшоқ” метилловчи агент билан 85-90°С да реакцияси ўтказилганда (В усул), синтез қилиниши қийин бўлган O⁴-метил изомер (4-метоксихиназолин) яхши унум билан ҳосил бўлиши исботланган ва бу усул мақсадли синтезларда қўллаш учун тавсия этилган;

электронодонор (метил) гуруҳнинг мусбат индуктив таъсирида 2-метилхиназолин-4-оннинг пириимидин ҳалқасида электрон булут зичлиги ортиши ва амбидент анион электронларининг делокализацияси натижасида реакциялар “юмшоқ” ва “қаттиқ” метилловчи агентлар иштирокида селектив тарзда N³-азот атомида амалга ошиши, бунда конверсия 100% ни ташкил этиши ва юқори унум билан 2,3-диметилхиназолин-4-он ҳосил бўлиши исботланган;

2Н(метил, фенил, 4-нитрофенил)хиназолин-4-онлар ва уларнинг олиниши учун муҳим хом ашёлар – оралик амидларнинг содда ва юқори самарадор синтез усуллари тавсия этилган;

электроноакцептор (фенил, 4-нитрофенил) гуруҳ сақлаган хиназолин-4-онларни метиллаш реакциялари электронодонор гуруҳ тутган аналогларидан фарқли равишда нисбатан қийин ва носелектив кетиши, лекин, асосан N³-маҳсулот ҳосил бўлиши ҳамда реакция бориши ҳароратга сезиларли даражада боғлиқ эканлиги аниқланган;

хиназолин-4-онни турли шароитларда тионлаш реакциялари учун Лавессон реагенти энг мақбул реагент эканлиги исботланган ва тионлаш механизми тавсия этилган;

2Н(метил, фенил)хиназолин-4-тионларни “юмшоқ” ва “қаттиқ” метилловчи агентлар билан ўзаро таъсири турли шароитларда амалга оширилиб, барча усулларда реакция N³-атомга нисбатан “юмшоқ” олтингургурт атомига кетиши натижасида юқори селективликда S⁴-метил маҳсулот ҳосил бўлиши аниқланган ва бу олтингургурт атомининг осон кутбланувчанлиги билан тушунтирилган;

2Н(метил, фенил)хиназолин-4-тионлардан юқори (100%) селективликда S⁴-метил маҳсулотлар олиш учун энг мақбул эритувчилар диоксан-1,4 ва ДМСО эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотнинг асосий объектлари бўлган 2Н(метил, фенил, 4-нитрофенил)-хиназолин-4-онлар, уларнинг олиниши учун зарур синтонлар (амидлар) учун юқори самарали синтез усуллари ишлаб чиқилган;

хиназолин-4-он қаторида олиниши мураккаб бўлган 4-метоксихиназолин учун мақсадли синтез усули (эритувчи- ДМФА, метилловчи агент- MeI, ҳарорат- 85-90°С, вақт- 4 соат) тавсия этилган;

2Н(метил)хиназолин-4-онлар анионларини метиллаш реакцияларида селектив тарзда N³-маҳсулотлар синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

хиназолин-4-онни Лавессон реагенти иштирокида нисбатан паст ҳароратда ва қисқа вақтда юқори самарали тионлаш усули ишлаб чиқилган;

2Н(метил, фенил)хиназолин-4-тионларни турли усулларда каталитик метиллаш натижасида селектив тарзда S⁴-метил маҳсулотлар синтез қилиш учун энг мақбул эритувчилар (диоксан-1,4 ва диметилсульфоксид) тавсия этилган;

хиназолин-4-он гидрохлорид субстанцияси асосида Хиназол антигельминт воситаси яратилган;

синтез қилинган бирикмалар орасида ўстирувчанлик, ингибиторлик, инсектицидлик ва гельминтларга қарши фаолликлари юқори бўлган моддалар борлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий УБ-, ИҚ-, ¹Н ва ¹³С ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ),

хроматография (ЮКХ, КХ), биологик ва бошқа тадқиқот усулларидан олинган натижалар асосида ишончли тарзда исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор 2Н(метил, фенил, 4-нитрофенил)хиназолин-4-онлар ва 2Н(метил, фенил)хиназолин-4-тионларни “юмшоқ” ва “қаттиқ” метилловчи агентлар билан каталитик метиллаш жараёнлари тизимли тадқиқ этилган, эритувчиларнинг селективлик қатори, реакциялар натижасида селектив тарзда изомер - N¹-, N³-, O⁴-, S⁴-метилмаҳсулотларнинг ҳосил бўлиш исботланган ва жараёнларга таъсир этувчи асосий омиллар (ўринбосар ва эритувчи табиати, реакция муҳити, ҳарорати ва давомийлиги) аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган бирикмалар орасида ўстирувчанлик, ингибиторлик, инсектицидлик ва гельминтларга қарши фаолликлари юқори бўлган моддалар борлиги, шунингдек, 2Н-, метил-, фенил-, 4-нитрофенилхиназолин-4-онлар, оралик синтонлар (амидлар), 2Н-, метил-, фенилхиназолин-4-тионларнинг ва мақсадли N³-, O⁴-, S⁴-метилмаҳсулотларнинг олиниш усуллари ишлаб чиқиши, хиназолин-4-тионни Лавессон реагенти ёрдамида самарали синтез усули яратилганлиги, 1 та бирикманинг РТТ натижалари халқаро Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилганлиги ва 25 та янги бирикманинг синтез усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг жорий қилиниши. 2Н(Алмашинган) хиназолин-4-онлар ва -хиназолин-4-тионларнинг такомиллашган синтези, уларнинг селектив (N¹-, N³-, O⁴-, S⁴-) метиллаш маҳсулотларини олиниши, синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши ва биологик хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

антигельминт фаолликка эга восита олиш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк марказининг ихтирога патенти олинган (№IAP05685, 2018 й.). Натижада чорвачилик соҳасида қўллаш учун сувда осон эрувчан, юқори самарали синтетик антигельминт восита яратиш имконини берган;

2,3-диметилхиназолин-4-оннинг РТТ натижалари Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam.ac.uk/CCDC/1007927>). Натижада базага киритилган модда ўхшаш бирикмаларни синтез қилиш ва уларнинг тузилишини тавсифлаш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018-йил 24-июлдаги “Самарқанд Давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари” тўғрисидаги 571-сонли қарорининг ижроси бўйича талабалар учун “Umumiy kimyo” номли ўқув қўлланма (Рўйхатга олиш рақами №169) чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Шароф Рашидов номидаги СамДУ кенгашининг №8-сон қарори, 31.01.2023 й.). Натижада кимё таълим йўналишида таҳсил олаётган ва тадқиқотлар олиб бораётган талабалар ҳамда соҳа мутахассислари учун назарий кимёнинг асосий қонуниятлари ва йўналишларини чуқур ўрганишда қўлланма сифатида фойдаланиш имкони яратилган;

талабалар учун “Kimyo fanidan laboratoriya ishlari” номли ўқув қўлланма (Рўйхатга олиш рақами №500-594) чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг №500-сон буйруғи, 23.11.2021 й.). Натижада Кишлоқ хўжалиги таълим йўналишида таҳсил олаётган 1-босқич талабалари учун замонавий аналитик ва органик химёдан умумлаштирилган лаборатория машғулотларидан амалиётда фойдаланиш имкони яратилган;

2Н(метил-, метилтио-, фенил)хиназолин-4-онлар, 4-тионлар ва 4-аминохиназолинлар ҳосилаларининг таутомериясини ўрганиш натижаларидан ФА-Ф7-Т207 рақамли «Биологик фаол гетероциклик бирикмалар молекуласида асимметрик марказ ҳосил қилишнинг назарий муаммолари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада кислотали муҳитда N-1 азот атомининг протонланиши натижасида 2-ҳолатдаги метил гуруҳининг электрофил алмашилиш реакцияларига осон киришишини тадқиқ этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг 2024 йил 26 мартдаги 4/1255-679-сон маълумотномаси). Натижада мазкур электрофил алмашилиш (бирикиш) реакцияларини хиназолон алкалоидларидаги фаоллашган α -CH₂ гуруҳи сақлаган аналогларига муваффақиятли қўллаш усули яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 19 та, жумладан 15 та халқаро (3 таси E3S Web of Conferences) ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та патент, 2 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси ОАК нинг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола республика, 5 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Конденсирланган пиримидинлар синтези, реакциялари ва биологик фаоллиги»** деб номланган **биринчи бобида** мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «2Н(алмашинган)хиназолин-4-онлар ва хиназолин-4-тионлар синтези ва метиллаш реакциялари» номли иккинчи бобида тадқиқот натижалари келтирилган.

Хиназолин-4-оннинг самарали синтези ва уни турли шароитларда метиллаш. Адабиётларда хиназолин-4-он (**3**) турли усуллар билан синтез қилинган ва маҳсулот унуми 60-75% ни ташкил этган. Бунда реакцияга 1:1 эквивалент миқдорда олинган антранил кислота (АК, **1**) ва формамаид (**2**) 130-140°C да тескари совутгич орқали қиздирилади. Биз реакцияларни реагентларни 1:4 нисбатида олиб бордик ва миқдорий унум билан хиназолин-4-он (**3**, 96%) олдик. Молекулада ишқорий муҳитда ҳосил бўладиган амбидент анион (**3а**) N³ ва O⁴ атомлар ўртасида делокалланади. Шунингдек, N³ атомдаги протоннинг N¹ атомга миграцияси қийинлиги ва N1=C2 қўшбоғнинг мавжудлиги сабабли N¹ азот аминнинг реакцияда иштирок этиш эҳтимоли жуда кам:



I (ЭТАНОЛ (абс.)): А усул: **4**, 92%; **В усул:** **4**, 90%; **5**, 8%; **Д усул:** **4**, 82%; конверсия 100 %.

II (ДИОКСАН-1,4): А усул: **4**, 38%; **5**, 48%; **В усул:** **4**, 89%; **Д усул:** **4**, 57%; **5**, 27%; **Е усул:** **4**, 79%; **Ф усул:** **4**, 81%; конверсия 100 %.

III (ДМФА): А усул: **4**, 88%; **В усул:** **5**, 75%; **С усул:** **4**, 83%; **Д усул:** **4**, 76%; конверсия 100 %.

IV (ДМСО): Е усул: **4**, 92%; **А усул:** **4**, 74%; **5**, 5%; **6**, 3%; конверсия 100 %.

а) Формамаид,
130-140°C,
2 соат

А усул: **3:** CH₃I : КОН - 1:1:1, **Эритувчи**, 20-25°C, 24 соат;
В усул: **3:** CH₃I : КОН - 1:1:1, **Эритувчи**, 70-75°C (85-90°C), 4 соат;
С усул: **3:** CH₃OTs : КОН - 1:1:1, **Эритувчи**, 20-25°C, 24 соат;
Д усул: **3:** CH₃OTs : КОН - 1:1:1, **Эритувчи**, 70-75°C (85-90°C), 4 соат;
Е усул: **3:** (CH₃)₂SO₄ : КОН - 1:1:1, **Эритувчи**, 20-25°C, 24 соат;
Ф усул: **3:** (CH₃)₂SO₄ : КОН - 1:1:1, **Эритувчи**, 70-75°C (85-90°C), 4 соат.

Хиназолин-4-оннинг калийли тузини (**3а**) метиллаш “юмшоқ” (метил йодид) ва “қаттиқ” (метилтозилат, диметил сульфат) метилловчи агентлар билан кутбли протонли - этанол, кутбли апротон - 1,4-диоксан, кутбли апротон биполяр эритувчилар - диметилформамаид (ДМФА) ва диметилсульфоксидда (ДМСО) амалга оширилди. Реакциялар турли ҳароратда қиздириб олиб борилди. Натижада, метиллаш реакцияси метилйодид (**А**) ёки метилтозилат (**Д**) иштирокида этанолда олиб борилганда (конверсия 100%) селектив тарзда N³-метил ҳосила (**4**) миқдорий унумлар билан ҳосил бўлади. Унинг ¹H ЯМР спектрида: 5 та ароматик протон (9.67 м.у., с, Н-2; 8.09, дд, Н-5; 7.71, дт, Н-7; 7.49, дд, Н-8; 7.41, дт, Н-6) ва метил (3.54, N-CH₃, 3Н, с) гуруҳ протонлари сигналининг кўриниши, ИҚ-спектрида C=O (1664 см⁻¹), N-H (3436 см⁻¹), C=N (1612 см⁻¹), C-N (1468 см⁻¹), C=C (1558 см⁻¹) боғлар ютилиш частоталари аниқланиши унинг тузилишини тасдиқлайди. Хиназолин-4-он (**3**) молекуласида Р.Пирсоннинг ҚЮКА принципига кўра O⁴ марказ - “қаттиқ” марказ, N³-марказ - “юмшоқ” марказдир, чунки, кислородни электроманфийлиги (X=3.5) азотникига (X=3.0) нисбатан юқори. Принципга кўра асосан N³-маҳсулотлар, лекин, ҳарорат кўтарилиши Вант Гофф қоида сига кўра молекуланing кинетик энергияси ошиши ҳисобига турли хил изомерлар ҳосил бўлиши мумкин.

1-Жадвал. Хиназолин-4-онни (3) турли эритувчиларда метиллаш реакциялари ва олинган изомерларнинг айрим катталиклар


№	Бошланғич мода	Усул	Изомерлар, %			R _f	Махсулот	Брутто формуласи
			N ¹	N ³	O ⁴			
Абсолют этил спирти*								
1	3	A	-	92	-	0.85	4	C ₉ H ₈ N ₂ O
2	3	B	-	90	8	0.85, 0.76	4, 5	C ₉ H ₈ N ₂ O
3	3	D	-	82	-	0.85	4	C ₉ H ₈ N ₂ O
1,4-Диоксан*								
4	3	A	-	89	-	0.85	4	C ₉ H ₈ N ₂ O
5	3	B	-	38	48	0.85, 0.76	4, 5	C ₉ H ₈ N ₂ O
6	3	D	-	57	27	0.85, 0.76	4, 5	C ₉ H ₈ N ₂ O
7	3	E	-	79	-	0.85	4	C ₉ H ₈ N ₂ O
8	3	F	-	81	-	0.85	4	C ₉ H ₈ N ₂ O
ДМФА*								
9	3	A	-	88	-	0.85	4	C ₉ H ₈ N ₂ O
10	3	B	-	-	75	0.76	5	C ₉ H ₈ N ₂ O
11	3	C	-	83	-	0.85	4	C ₉ H ₈ N ₂ O
12	3	D	-	76	-	0.85	4	C ₉ H ₈ N ₂ O
ДМСО*								
13	3	E	-	92	-	-	4	C ₉ H ₈ N ₂ O
14	3	F	3	74	5	0.85, 0.76, 0.72	4, 5, 6	C ₉ H ₈ N ₂ O

*C, E, F-усуллар (абсолют этанол), C-усул (1,4-диоксан), E, F-усуллар (ДМФА),

A, B, C, D-усуллар (ДМСО) қўлланилганда махсулотлар ҳосил бўлиши кузатилмади.

Метиллаш реакциялари диоксан-1,4, ДМФА ва ДМСО да олиб борилганда асосий махсулот сифатида N³-метил ҳосила (4), ДМФА да метил йодид билан киздириб олиб борилганда фақат изомер O⁴-метил махсулот (5, 75%) ҳосил бўлади. Демак, мазкур усулни мақсадли синтезда қўллаш мумкин. Таъкидлаш керакки, метиллаш ДМСО да диметилсульфат билан амалга оширилганда селективлик йўқолади ва ҳар учта изомерлар – N¹-метил (6, 3%), N³-метил- (4, 74%) хиназолин-4-онлар ва O⁴-4-метоксихиназолин (5, 5%) ҳосил бўлади. N³-метил махсулотини (4) олишда эритувчиларни селективлик қатори куйидагича бўлади: ДМСО (16%) < этанол (33%) < диоксан (50%) < ДМФА (67%).

2-Метилхиназолин-4-оннинг такомиллаштирилган синтези ва метилловчи агентлар билан таъсирлашиши. Дастлабки N-ацетилантранил кислота (8) адабиётларда 65-72% унум билан олинган. Биз эквивалент миқдорда олинган АК ни аввал бензолда киздириб (80⁰С) эритилди, сўнгра 1 эквивалент Ac₂O томчилатиб қўшилди ва 92% унум билан 8-мода олинди. 9 нинг синтези икки усулда (А, 8:NH₄Cl-1:8, 210-220⁰С, 4-5 соат) ва (Б, 1:формаид-1:1, 210-220⁰С, 2 соат) амалга оширилди. Натижада 72% (А) ва 92% (Б) унумлар билан махсулот олинди. 2-Метилхиназолин-4-ондаги (9) электронодонор (Ме) гуруҳ таъсирида пиримидин ҳалқасида умумий электрон зичлиги ошади ва амбидент анион электронларини делокализацияси ҳам ўзгаради. Метил гуруҳининг реакциялар боришига таъсирини аниқлаш учун метиллаш қатор эритувчиларда (I, II, III, IV, V) олиб борилди. 9 ни спиртда метиллаш реакциялари фақат N³ марказга кетиб 2,3-диметилхиназолин-4-он (11) олинди. 1-Расмда 11-бирикманинг кристалдаги тузилиши келтирилган. Унинг ¹H ЯМР спектрида 4 та ароматик протон (H-5: 8.06 (дд); H-7: 7.67 (дт); H-8: 7.50 (дд); H-6: 7.37 (дт)), 2 та Ме гуруҳ (N-CH₃: 4.5 (с); 2-CH₃: 2.36 (с)) сигналлари аниқланди:



1-Рasm. II ning кристаллдаги тузилиши

1 (ЭТАНОЛ (абс.)): А усул: II, 91%; В усул: II, 90%; С усул: II, 87%; Д усул: II, 80%; F усул: II, 85%; конверсия 100%. II (ДИОКСАН-1,4): А усул: II, 92%; В усул: II, 89%; С усул: II, 86%; Д усул: II, 78%; F усул: II, 77%; конверсия 100%. III (ДМФА): А усул: II, 68%; 12, 18%; В усул: II, 72%; 12, 18%; Д усул: II, 69%; 13, 17%; Е усул: II, 89%; F усул: II, 87%; конверсия 100%. IV (ДМСО): А усул: II, 90%; В усул: II, 89%; Д усул: II, 85%; F усул: II, 87%; конверсия 100%. V (АЦЕТОНИТРИЛ): А усул: II, 93%; В усул: II, 90%; Д усул: II, 88%; Е усул: II, 79%; F усул: II, 84%; конверсия 100%.

2-Жадвал. 2-Метилхиазолин-4-онни (9) метиллаш реакциялари ва олинган изомер махсулотларнинг айрим катталиклари


№	Бошланғич мода	Усул	Изомерлар, %			R _f	Махсулот	Брутто формуласи
			N ¹	N ³	O ⁴			
Абсолют этил спирти*								
1	9	A	-	91	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
2	9	B	-	90	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
3	9	C	-	87	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
4	9	D	-	80	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
5	9	F	-	85	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
1,4-Диоксан*								
6	9	A	-	92	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
7	9	B	-	89	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
8	9	C	-	86	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
9	9	D	-	78	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
10	9	F	-	77	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
ДМФА*								
11	9	A	18	68	-	0.82, 0.78	11, 12	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
12	9	B	18	72	-	0.82, 0.78	11, 12	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
13	9	D	-	69	17	0.82, 0.86	11, 13	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
14	9	E	-	89	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
15	9	F	-	87	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
ДМСО*								
16	9	A	-	90	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
17	9	B	-	89	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
18	9	D	-	85	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
19	9	F	-	87	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
Ацетонитрил*								
20	9	A	-	93	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
21	9	B	-	90	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
22	9	D	-	88	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O
23	9	F	-	84	-	0.82	11	C ₁₀ H ₁₀ N ₂ O

*Е-усул (абсолют этанол, 1,4-диоксан), С-усул (ДМФА), С,Е-усуллар (ДМСО, ацетонитрил) қўлланилганда махсулот ҳосил бўлиши кузатилмади.

Таъкидлаш керакки, реакциялар диоксан, ДМСО ва ацетонитрилда олиб борилганда селектив тарзда N³-метил махсулот (2,3-диметилхиазолин-4-он, 11) ҳосил бўлади. Бунда ҳарорат реакцияга сезиларли таъсир кўрсатиши тасдиқланди. Лекин, метиллаш ДМФА да метилиодид ва метилтозилат билан

олиб борилганда асосий изомердан (N^3) ташқари 17-18% унум билан N^1/O^4 изомерлар ҳам ҳосил бўлиши мазкур эритувчида реакция селективлиги камайишини ва буни ДМФА катионни сольватлаши билан тушунтириш мумкин. N^3 -метил (**11**) маҳсулот ҳосил бўлишида эритувчиларни селективлик қатори куйидагича бўлади: ДМФА (33%) < ДМСО (67%) < этанол (83%) = диоксан (83%) = ацетонитрил (83%).

2-Фенилхиназолин-4-оннинг мақбул синтези ва уни “юмшоқ” ва “қаттиқ” метилловчи агентлар билан реакциялари. 2-Фенилхиназолин-4-он (**17**) синтези ҳам икки босқичда амалга оширилади. Асосий хом ашё - N-бензоилантранил кислота (**15**) адабиётларда 70-75% унум билан синтез қилинган. АК ва бензоил хлоридни (**14**) 1:1 нисбатдаги аралашмаси 80°C да қиздириб олиб борилганда юқори унум (90%) билан бензамид (**15**) олинади. Керакли **17** нинг синтези ҳам икки усулда (**A** ва **B**) амалга оширилади. А усулга асосан: **15** ва аммоний хлориднинг 1:8 нисбатдаги аралашмаси 210-220°C да 4 соат қиздирилди. Бунда **17** нинг унуми 72% ни ташкил этади. **B** усулга асосан: антранил кислота (АК) ва бензамиднинг (**16**) 1:2 нисбатдаги аралашмаси 180-200°C да 2 соат қиздирилади ва **17** (90%) олинади. Молекуланинг 2-ҳолатига электроноакцептор (фенил) гуруҳи киритилиши пиримидин ҳалқасидаги умумий электрон зичлиқни камайишига олиб келади:



I (ЭТАНОЛ (абс.)): А усул: 18, 76%; 19, 12%; F усул: 18, 72%; 20, 17%; конверсия 100 %.
II (ДИОКСАН-1,4): В усул: 18, 92%; D усул: 18, 87%; F усул: 18, 90%; конверсия 100 %.
III (ДМФА): А усул: 19, 68%; 20, 15%; В усул: 18, 90%; 19, 2%; C усул: 18, 89%; D усул: 18, 86%; 19, 2%; 20, 7%; E усул: 18, 85%; конверсия 100 %. **IV (ДМСО): C усул: 18, 89%; D усул: 18, 90%; E усул: 18, 82%; F усул: 18, 47%; 19, 8%; 20, 32%; конверсия 100 %.** **V (АЦЕТОНИТРИЛ): А усул: 18, 90%; В усул: 18, 82%; 20, 12%; C усул: 18, 89%; D усул: 18, 88%; конверсия 100 %.**

2-Фенилхиназолин-4-онни (**17**) носелектив метиллаш абсолют этанол, ДМФА ва ДМСО да олиб борилганда эритувчи ва метилловчи агентлар табиати ва ҳароратга боғлиқ ҳолда барча изомер N^3 -метил- (**18**), O^4 -метил- (**19**) ва N^1 -метил- (**20**) маҳсулотлар, ацетонитрилда эса иккита изомер - N^3 -метил- (**18**) ва N^1 -метил- (**20**) маҳсулотлар олишга муваффақ бўлинди, бироқ асосий маҳсулот N^3 -метил- (**18**) изомердан иборат эканлиги аниқланди. Лекин, реакция қутбли апротон эритувчи - диоксан-1,4 да уч хил метилловчи агент билан фақат қиздирилганда боради ва селектив N^3 -метил- (**18**) маҳсулот ҳосил бўлади. Таъкидлаш керакки, олиниши қийин бўлган O^4 -маҳсулотнинг (2-фенил-4-метоксихиназолиннинг, **19**) яхши унум (68%) билан ҳосил бўлиши реакцияни метил йодид иштрокида ДМФАда (А усул) олиб борилганда кузатилади. Натижада 2-фенилхиназолин-4-оннинг (**17**) метиллаш реакцияси электронодонор (метил) гуруҳ сақлаган 2-

метилхиназолин-4-ондан (9) фаркли равишда нисбатан қийин кетиши ва реакциянинг бориши ҳароратга боғлиқ эканлиги аниқланди.

3-Жадвал. 2-Фенилхиназолин-4-онни (17) метиллаш реакцияси шароитлари ва олинган изомерларнинг унумлари


№	Бошланғич мода	Усул	Изомерлар, %			R _f	Махсулот	Брутто формуласи
			N ¹	N ³	O ⁴			
Абсолют этил спирти*								
1	17	A	-	76	12	0.80, 0.85	18, 19	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
2	17	F	17	72	-	0.80, 0.84	18, 20	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
1,4-диоксан*								
3	17	B	-	92	-	0.8	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
4	17	D	-	87	-	0.8	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
5	17	F	-	90	-	0.8	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
ДМФА*								
6	17	A	15	-	68	0.85, 0.78	19, 20	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
7	17	B	-	90	2	0.80, 0.85	18, 19	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
8	17	C	-	89	-	0.80	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
9	17	D	7	86	2	0.80, 0.85, 0.78	18, 19, 20	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
10	17	E	-	85	-	0.80	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
ДМСО*								
11	17	C	-	89	-	0.8	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
12	17	D	-	90	-	0.8	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
13	17	E	-	82	-	0.8	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
14	17	F	32	47	8	0.8, 0.85, 0.78	18, 19, 20	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
Ацетонитрил*								
15	17	A	-	90	-	0.80	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
16	17	B	12	82	-	0.80, 0.78	18, 20	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
17	17	C	-	89	-	0.80	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O
18	17	D	-	88	-	0.80	18	C ₁₅ H ₁₂ N ₂ O

*B, C, D, E-усуллар (абсолют этанол), A, C, E-усуллар (1,4-диоксан), F-усул (ДМФА), A, B-усуллар (ДМСО) ва E, F-усуллар (ацетонитрил) қўлланилганда махсулот ҳосил бўлиши кузатилмади.

Бунда, **17** ни метиллашда N³-метил (**18**) махсулот ҳосил бўлиши учун эритувчиларни селективлик катори қуйидагича бўлади: этанол (0%) < ДМФА (50%) = ДМСО (50%) = диоксан (50%) = ацетонитрил (50%).

2-(4-Нитрофенил)хиназолин-4-оннинг синтези ва метиллаши. 2-(4-Нитрофенил)хиназолин-4-ондаги (**23**) нитро гуруҳи иккинчи тур ўринбосар бўлиб, ўзининг электроноакцепторлик ва мезомер эффеќти билан пиримидин ҳалқаси N-атомлари электрон зичлигига таъсир қилади. Унинг амбидент аниони (**23a**) заряди O⁴-C⁴-N³ атомлари орқали делокалланади, нитрофенил қолдиғи ушбу жараёнда ишгирок этади. Метиллаш этанолда ёки диоксанда киздириб олиб борилганда (B, D, F) N³-изомер (**24**) ҳосил бўлади. Чунки, молекулага нитро гуруҳнинг киритилиши электрон булут зичлигини янада камайишига сабаб бўлади. Бу эса реакция йўналишига таъсир этади. Реакциялар ДМФА да олиб борилганда селектив тарзда N³-изомер (**24**) (A, E, F) ёки уч хил изомер (D усул): N³-52% (**24**), O⁴-5% (**25**) ва N¹-37% (**26**) олинади. ДМСО да метилтозилат билан хона ҳароратига N³-изомер (**24**, 91%), киздирилганда эса N³-75% (**24**) ва O⁴-15% (**25**) изомерлар аралашмаси олинди. Реакция диметилсульфат билан киздириб олиб борилганда ҳам селектив тарзда N³-изомер (**24**, 88%) ҳосил бўлиши аниқланди. Метиллаш реакциялари ацетонитрилда олиб борилганда нафаќат селектив N³-изомер (**24**) (C, D усуллар), балки, O⁴-25% (**25**) изомер (B усул) ҳамда

N¹-изомерлар (**26**: 11% (В усул), 50% (F усул)) индивидуал ҳолда ажратиб олинди ва конверсия 100% ни ташкил этди:



I (ЭТАНОЛ (абс.)): В усул: **24**, 91%; D усул: **24**, 90%; F усул: **24**, 87%; конверсия 100 %. II (ДИОКСАН-1,4): В усул: **24**, 90%; D усул: **24**, 86%; F усул: **24**, 87%; конверсия 100 %. III (ДМФА): А усул: **24**, 90%; D усул: **24**, 52%; **25**, 5%; **26**, 37%; Е усул: **24**, 86%; F усул: **24**, 87%; конверсия 100 %. IV (ДМСО): С усул: **24**, 91%; D усул: **24**, 75%; **25**, 15%; F усул: **24**, 88%; конверсия 100 %. V (АЦЕТОНИТРИЛ): В усул: **24**, 58%; **25**, 25%; **26**, 11%; С усул: **24**, 86%; D усул: **24**, 83%; F усул: **24**, 42%; **26**, 50%; конверсия 100 %.

4-Жадвал. 2-(4-Нитрофенил)хиназолин-4-онни (**23**) метиллаш реакциялари шароитлари ва олинган изомер маҳсулотларнинг унумлари


№	Бошланғич модда	Усул	Изомерлар, %			R _f	Маҳсулот	Брутто формуласи
			N ¹	N ³	O ⁴			
Абсолют этил спирти*								
1	23	В	-	91	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
2	23	D	-	90	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
3	23	F	-	87	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
1,4-Диоксан*								
4	23	В	-	90	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
5	23	D	-	86	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
6	23	F	-	87	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
ДМФА*								
7	23	В	-	90	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
8	23	D	37	52	5	0.82, 0.89, 0.76	24, 25, 26	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
9	23	E	-	86	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
10	23	F	-	87	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
ДМСО*								
11	23	С	-	91	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
12	23	D	-	75	15	0.82, 0.89	24, 25	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
13	23	F	-	88	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
Ацетонитрил*								
14	23	В	11	58	25	0.82, 0.89, 0.76	24, 25, 26	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
15	23	С	-	86	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
16	23	D	-	83	-	0.82	24	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃
17	23	F	50	42	-	0.82, 0.76	24, 26	C ₁₅ H ₁₁ N ₃ O ₃

*А, С, Е-усуллар (абсолют этанол, 1,4-диоксан), В, С-усуллар (ДМФА), А, В, Е-усуллар (ДМСО) ва А, Е-усуллар (ацетонитрил) қўлланилганда маҳсулот ҳосил бўлиши кузатилмади.

Шундай қилиб, 2Н- (**3**), 2-метил- (**9**) ва 2-фенил- (**17**), 2-(4-нитрофенил)-хиназолин-4-онларни (**23**) протонли эритувчида (*этанолда*) метиллаш реакцияси селективноги 2-ҳолатдаги ўринбосарлар (Н, Ме, Ph) табиғига боглик бўлиб, электронодонор (Ме) гуруҳ таъсирида амбидент ионнинг барқарорлиги ортиши натижасида *асосан* N³-марказда электрофил агентлар ҳужуми осон содир бўлади ва буни шу марказда нуклеофилликнинг ортиши билан тушунтириш мумкин.

Ўринбосарлар водород атоми ёки электроноакцептор табиатга (фенил, нитрофенил) эга бўлганда реакциянинг селективлиги йўқолишига олиб келади.

Хиназолин-4-тионни самарали синтез усули ва метилловчи агентлар билан таъсирлашиши. Гетероциклик тионлар назарий ва амалий жиҳатдан қатга қизиқиш уйғотади. Хиназолин-4-онни (3) тионлаш икки усулда: P₂S₅ ва Лавессон реагенти (*Lawesson's reagent* (LR), 27) иштирокида амалга оширилди. P₂S₅ билан реакциялар реагентларни эквимольяр миқдорда м-ксилолда 4 соат қайнатиш билан, LR билан эса инерт (аргон) атмосферада абсолют толуолда 1 соат қайнатиб амалга оширилди:



а) 3: P₂S₅ - 1:1, м-ксилол (абс.), 139°C, 4 соат (28, 78%); б) 3: LR - 1:0.5, толуол (абс.), 110°C, 1 соат (Ar) (28, 97%).
I (ЭТАНОЛ (абс.): А усул: 29, 91%; В усул: 29, 88%; С усул: 29, 84%; Д усул: 29, 86%; 30, 6%; Е усул: 29, 88%;
F усул: 29, 86%; конверсия 100 %. **II (ДИОКСАН-1,4):** А усул: 29, 92%; В усул: 29, 86%; С усул: 29, 89%; Д усул:
 29, 91%; Е усул: 29, 86%; F усул: 29, 90%; конверсия 100 %. **III (ДМФА):** А усул: 29, 90%; В усул: 29, 88%; С усул:
 29, 84%; Д усул: 29, 80%; 30, 11%; Е усул: 29, 91%; F усул: 29, 89%; конверсия 100 %. **IV (ДМСО):** А усул: 29,
 91%; В усул: 29, 89%; С усул: 29, 90%; Д усул: 29, 80%; 30, 13%; Е усул: 29, 88%; F усул: 29, 84%; конверсия 100 %.


5-Жадвал. Хиназолин-4-тионни (28) турли эритувчиларда метиллаш реакциялари шароитлари ва олинган изомер маҳсулотларнинг унумлари

№	Бошланғич модда	Усул	Изомерлар, %		R _f	Маҳсулот	Брутто формуласи
			N ³	S ⁴			
Абсолют этил спирти							
1	28	A	-	91	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
2	28	B	-	88	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
3	28	C	-	84	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
4	28	D	6	86	0.88, 0.84	29, 30	C ₉ H ₈ N ₂ S
5	28	E	-	88	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
6	28	F	-	86	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
1,4-Диоксан							
7	28	A	-	92	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
8	28	B	-	86	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
9	28	C	-	89	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
10	28	D	-	91	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
11	28	E	-	86	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
12	28	F	-	90	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
ДМФА							
13	28	A	-	90	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
14	28	B	-	88	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
15	28	C	-	84	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
16	28	D	11	80	0.88, 0.84	29, 30	C ₉ H ₈ N ₂ S
17	28	E	-	91	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
18	28	F	-	89	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
ДМСО							
19	28	A	-	91	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
20	28	B	-	89	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
21	28	C	-	90	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
22	28	D	13	80	0.88, 0.84	29, 30	C ₉ H ₈ N ₂ S
23	28	E	-	88	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S
24	28	F	-	84	0.88	29	C ₉ H ₈ N ₂ S

Тионнинг (28) ИҚ спектрида 1302 см⁻¹ да C=S боғга тегишли ютилиш частотанинг мавжудлиги, ¹Н ЯМР спектрида: 13.86 м.у. (1Н, с, NH), 8.59 м.у. (1Н, д, Н-2), бензол ҳалқасининг 4 та ароматик протонлари 7.62 (т), 7.74 (д), 7.90 (т) ва 8.59 (д) м.у.ларда намоён бўлиши, масс-спектрида (M=162) протонланган молекуляр ионнинг m/z = 163 [M + H]⁺ аниқланганлиги унинг тузилишини тасдиқлайди. Тионни (28) метиллаш реакциялари юқоридаги усулларда (А,В,С,Д,Е,Ф) КОН иштирокида амалга оширилди. Реакция барча эритувчиларда селектив тарзда осон кутбланувчан олтингугурт атомига кетиб асосий маҳсулот сифатида юқори унумлар (84-92%) билан 4-метилтиохиназолин (29) ҳосил бўлади, фақат баъзи ҳолатларда кўшимча маҳсулот сифатида N³-маҳсулот - 3-метилхиназолин-4-тион (30) 3-13% унумлар билан ажратиб олинди. Хиनाзолин-4-тионларда N³-азот атоми S⁴-олтингугурт атомига нисбатан “қаттиқ” марказ ҳисобланади, чунки N нинг электраманфийлик қиймати S га нисбатан катта қийматга эга. Пирсон принципига асосан, шунингдек, эритувчи, реакция давомийлиги, ҳарорат таъсирида “юмшоқ” ва “қаттиқ” метилловчи агентлар иштирокида реакциялар селектив тарзда S⁴-марказга кетганлиги аниқланди.

2-Метилхиназолин-4-тионнинг мақбул синтези ва уни “юмшоқ” ва “қаттиқ” метилловчи агентлар билан реакциялари.

Электронодонор (метил) гуруҳ сақлаган 2-метилхиназолин-4-тионни (31) олиш учун 2-метилхиназолин-4-он (9) ва P₂S₅ нинг эквимоляр микдордаги реакцияси амалга оширилди ва маҳсулотни (31) юқоридаги шароитларда метиллаш олиб борилди:



а) 9: P₂S₅ - 1:1, м-кисл. (абс.), 139°C, 4 соат (31, 90%).

I (ЭТАНОЛ (абс.)): А усул: 32, 93%; В усул: 32, 90%; С усул: 32, 85%; 33, 6%; Д усул: 32, 87%; Е усул: 32, 85%; F усул: 32, 84%; конверсия 100%. II (ДИОКСАН-1,4): А усул: 32, 90%; В усул: 32, 87%; С усул: 32, 83%; Д усул: 32, 86%; Е усул: 32, 88%; F усул: 32, 87%; конверсия 100%. III (ДМФА): А усул: 32, 87%; 33, 6%; В усул: 32, 89%; 33, 2%; С усул: 32, 80%; 33, 10%; Д усул: 32, 85%; Е усул: 32, 86%; F усул: 32, 83%; конверсия 100%. IV (ДМСО): А усул: 32, 91%; В усул: 32, 90%; С усул: 32, 87%; Д усул: 32, 87%; Е усул: 32, 82%; F усул: 32, 87%; конверсия 100%.


Метиллаш ДМСО ва диоксанда борганда селектив тарзда S⁴ – метил (32) маҳсулот, этанол ва ДМФА да кўшимча маҳсулот сифатида N³-изомер - 2,3-диметилхиназолин-4-тион (33) 2-10% унум билан ҳосил бўлди (конверсия 100%). Бунда, реакциялар асосан S⁴-марказга бориши ва селектив тарзда 2-метил-4-метилтиохиназолин (32) ҳосил бўлиши аниқланди. 33 нинг ¹Н ЯМР спектрида ароматик (H-5,6,7,8) протонлар: 8.09, 7.41, 7.71 ва 7.49 м.у. ларда дублетлар дублети ва триплетлар дублети шаклида, метил гуруҳларининг синглет сигналлари: 3.54 м.у.да (N-CH₃, 3H, с) ва 2.56 м.у.да (2-CH₃, 3H, с) борлиги унинг тузилишини исботлайди. Эритувчиларнинг селективлик каторини қуйидаги кўринишда келтириш мумкин: ДМФА (50%) < этанол (83%) < ДМСО (100%) = диоксан (100%). Демак, селектив тарзда S⁴-метил (32) маҳсулот олишда энг мақбул эритувчилар диоксан ва ДМСО дир.

